



Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки

**Пул-кредит сиёсатининг 2022 йил
ва 2023-2024 йиллар даврига
мўлжалланган асосий йўналишлари
ва Марказий банк асосий
ставкасини кўриб чиқиш бўйича
Пул-кредит сиёсати таҳлили**


**Бошқарув йиғилиши
яқунлари бўйича матбуот
анжумани**

2021 йил 21 октябрь



2021 йилнинг 9 ойида кузатилган ички ва ташқи иқтисодий вазият, инфляция даражаси ва пул-кредит шароитлари


Иқтисодий ўсиш кўрсаткичлари тикланмоқда




2021 йилнинг январь-сентябрь ойларида ялпи ички маҳсулотнинг **реал ўсиши** ўтган йилнинг мос даврига нисбатан **6,9 фоизни** ташкил этди. Шундан, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш **9 фоизга**, хизмат кўрсатиш **19,5 фоизга**, қишлоқ хўжалиги **4,2 фоизга** ва қурилиш ишлари **4,5 фоизга** ўсди.

Истеъмол талаби тикланиб, харажатлар ошмоқда

Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажми ўзгариши




Чакана савдо айланмаси ҳажми динамикаси



2021 йилнинг 9 ойлигида иқтисодиётда **истеъмол талаби** ҳажмининг ўсиб бориши билан:


- истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажми ўтган йилнинг мос даврига нисбатан **10,9 фоизга** ошди.
- чакана савдо айланмаси ўтган йилнинг мос даврига нисбатан **9,8 фоизга** ошди.

Жаҳон бозорида озиқ-овқат нархлари ўзгариши





2021 йил сентябрь ойида жаҳонда асосий озиқ-овқат маҳсулотлари нархи ўсиши бироз секинлашди ва ойлик ўсиш **1,2 фоизни** (FAO индекси) ташкил этди. Бунда, дон, ёғ маҳсулотлари ва шакар мос равишда **2,0, 1,6** ва **0,5 фоизга** қимматлашган бўлса, гўшт маҳсулотларининг нархи (**0,1 фоиз**) деярли ўзгармаган.

Инфляциянинг асосий компонентлари ҳиссаси




2021 йил сентябрь ойи якуни бўйича йиллик инфляция даражаси **10,8 фоизни** ташкил. Бунда озиқ-овқат маҳсулотлари нархи йиллик **14,4 фоизга** ўсиб умумий инфляцияга **6,1 фоиз бандлик** ҳисса қўшди. Ноозиқ-овқат маҳсулотлари **7,7** фоиз (2,7 ф.б.) ва хизматлар **8,8** фоиз (2,0 ф.б.).

Базавий ва қисқартиланган инфляция динамикаси




2021 йилнинг 9 ойида **базавий инфляция** кўрсаткичи пасаявчи тенденцияда шакланган бўлиб, сентябрь ойи якуни бўйича йиллик **9,2 фоизга** тенг бўлди. Бунда, базавий инфляциянинг умумий инфляцияга ҳиссаси йил бошидаги **9,2 фоиз** банддан **7 фоиз** бандгача пасайди.


Инфляцион кутилмалар



Сезилган инфляция даражаси




Депозитлар бўйича реал фоиз ставкалари




- Пул бозоридаги реал фоиз ставкалари
- Аҳолининг миллий валютадаги муддатли депозитлари реал фоиз ставкаси (инф. кутилмалар)
- Аҳолининг миллий валютадаги муддатли депозитлари реал фоиз ставкаси (инфляция)

Кредитлар бўйича фоиз ставкалари




- Жисмоний шахсларнинг миллий валютадаги кредитлари бўйича фоиз ставкаси
- Юридик шахсларнинг миллий валютадаги кредитлари бўйича фоиз ставкаси

Кредитлар бўйича фоиз ставкалари



Миллий валютада
ажратилган кредитлар
таркиби, *фоизда*

Бозор тамойиллари
асосида ажратилган
миллий валютадаги
кредитлар қолдиғи
бўйича фоиз
ставкалар



Иқтисодиётга кредит қўйилмалари қолдиғи


Кўрсаткичлар	2019 йил январь- сентябрь	2020 йил январь- сентябрь	2021 йил январь- сентябрь
Кредит қўйилмалари қолдиғи, трлн. сўмда (давр охирига)	193,1	265,0	317,2
Ўзгариши, фоизда (йил бошига нисбатан)	43,2%	27,0%	13,2%
Ўзгариши, трлн. сўмда (йил бошига нисбатан)	58,2	56,3	36,9
Шундан:			
Миллий валютадаги кредитлар	26,3	25,8	19,9
Хорижий валютадаги кредитлар	31,9	30,5	16,9

Иқтисодиётга ажратилган кредитлар

Кўрсаткичлар	2019 йил январь- сентябрь	2020 йил январь- сентябрь	2021 йил январь- сентябрь
Ажратилган кредитлар (трлн. сўмда)	104,7	90,0	119,5
Ўзгариши, фоизда (ўтган йилнинг мос даврига нисбатан)	47,2%	-14,1%	32,8%
Шундан, хорижий валютада ажратилган кредитларнинг улуши (фоизда)	40,6%	38,0%	38,6%

Жорий йилнинг январь-сентябрь ойларида тижорат банклари томонидан иқтисодиётга **119,5 трлн. сўмлик** (ўтган йилнинг мос даврига нисбатан **32,8 фоизга** кўп) кредитлар ажратилди. Шундан, **хорижий валютада** ажратилган кредитларнинг улуши **38,6 фоизни** ташкил этди.

Инфляция даражаси ва унинг мақсадли кўрсаткичлари



2021 йил якунлари бўйича инфляция даражасини **9,8-9,9** фоизгача пасайиши кутилмоқда.

Ўрта муддатли макроиқтисодий ривожланиш сценарийлари

Келгуси макроиқтисодий ҳолатнинг асосий омиллари

**Пандемия билан
боғлиқ вазият ва
вакцинация
даражаси**

**Ташқи талабнинг
ўзгариши (нефт,
олтин ва хомашё
нархлари)**

**Ташқи молиявий
шароитлар (капитал
оқими, хорижий
инвестициялар)**


**Ташқи ва ички
иқтисодий ва
инвестицион
фаоллик даражаси**

**Фискал сиёсат,
талаб ва таклиф
мутаносиблиги**


**Молиявий
барқарорлик ва
таркибий иқтисодий
ислоҳотлар**

Асосий сценарий: Иқтисодий ўсиш

2022-2024 йилларда иқтисодий ўсиш суръатлари 5,5-6,5 фоиз атрофида шаклланади




Муқобил сценарий: Иқтисодий ўсиш



Инфляция даражаси прогнози

2022 йил якунлари бўйича инфляция даражасини **8-9 фоизгача**, 2023-2024 йилларда **таргет доирасига** пасайиши прогноз қилинмоқда.



2022-2024 йилларда Пул-кредит сиёсатини такомиллаштириш йўналишлари

I. Операцион механизм ва пул бозорини янада ривожлантириш чоралари

Ликвидликни таҳлил қилиш ва прогнозлаштириш тизими ривожлантирилиб, омилларни прогноз қилишда **эконометрик моделлар** (ARIMA, STS) жорий қилинади.

Пул-кредит сиёсатининг операцион мақсади **овернайт фоиз ставкаларига** ўзгартирилади.

Пул бозорида банкларнинг фаоллигини ошириш, **банклараро РЕПО операцияларини** ривожлантириш бўйича аниқ йўналишдаги чоралар тизими ишлаб чиқилади.

Ривожланган давлатлар тажрибаси асосида пул бозорининг **бенчмарк индексини** (“UZONIA”) ҳисоблаш методологияси такомиллаштирилади ва ушбу индексни қўллаш бўйича **тавсиявий йўналишлар** ишлаб чиқилади.

Марказий банк облигацияларини муомалага чиқариш бўйича аукцион савдоларида фоиз ставкаларининг юқори чегараси фоиз **коридорининг юқори чегарасигача** оширилади.

II. Таҳлилий-прогнозлаш салоҳиятини ривожлантириш йўналишлари

Макроиқтисодий таҳлил ва прогнозлаш тизими (FPAS), Чораклик прогнозлаш (QPM) моделлари янада такомиллаштирилиб, **ташқи иқтисодий блок** билан кенгайтирилади.

ХВЖ ва Швейцария Марказий банки кўмагида **“Умумий мувозанат моделини (DSGE)”** жорий этишнинг биринчи босқичида ишлар бошланади.

Инфляцияни қисқа муддатли прогноз қилиш (**BVAR**) ва унинг омиллари таъсирини баҳолаш (**VCEM**) моделлари жорий қилинади.

Инфляцион кутилмаларни ўрганиш методологияси такомиллаштирилиб, **узоқ муддатли инфляцион кутилмаларни** ҳам ўрганиш йўлга қўйилади.

Республика ҳудудларида иқтисодий ҳолат ва инфляцион омилларни **сифат кўрсаткичлари асосида** ўрганиш бўйича тизим жорий этилади.

Нархларни онлайн кузатиш (НОК) тизими **тўлиқ инсон омилисиз** ишлаши йўлга қўйилиб, товар ва хизматлар қамрови ва турлари кенгайтирилади.

III. Пул-кредит сиёсати трансмиссион механизми самарадорлигини ошириш йўналишлари

Имтиёзли кредитлаш амалиёти қайта кўриб чиқилиб, ажратиладиган кредитлар бўйича фоиз ставкаларининг мавжуд талаб ва таклифдан келиб чиқиб шаклланиши таъминланади.

Инфляцияга индексланган қимматли қоғозлар, валюта курси ўзгаришига индексланган миллий валютадаги қимматли қоғозларни муомалага чиқариш, хорижий валютадаги мажбуриятларга нисбатан **мажбурий захиралашни** жорий этиш бўйича тизимли ишлар амалга оширилади.

Депозитларнинг янги турларини жорий қилишни рағбатлантириш орқали иқтисодиётда **долларлашув даражасини қисқартириш** ва **миллий валютадаги депозитларнинг ўсишини** қўллаб-қувватлаш бўйича комплекс чоралар кўрилади.

Пул-кредит сиёсати коммуникацияси йўналишлари такомиллаштирилади, коммуникация каналлари ва воситалари сони оширилади. Пул-кредит сиёсати қарорлари эълон қилинганидан **кейинги даврда** ушбу қарорга бўлган муносабатларни ўрганиб, таҳлил қилиб бориш тизими жорий қилинади.

Давлат қимматли қоғозлари бозорига **норезидентлар ва жисмоний шахслар** иштироки бўйича чекловларни бекор қилиш ва ушбу бозорни ривожлантириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилади.



Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки

**Пул-кредит сиёсатининг 2022 йил
ва 2023-2024 йиллар даврига
мўлжалланган асосий йўналишлари
ва Марказий банк асосий
ставкасини кўриб чиқиш бўйича
Пул-кредит сиёсати таҳлили**

Бошқарув йиғилиши

2021 йил 21 октябрь

